O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 9 апрель, шанба • №29 (11.728) • Эркин нархда сотилади

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида

**Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларининг жасорати ва фидойилигига чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб:**

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари «1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги» юбилей медали билан мукофотлансин.

2. Мазкур Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган шахсларга 20000 (йигирма минг) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

3. «1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги» юбилей медали ва пул мукофотини топшириш маросимини Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, Миллий хавфсизлик хизмати раиси, ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари маҳаллий ҳарбий бошқарув органлари, уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашлари вакиллари иштирокида тантанали равишда ўтказсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда юбилей медалларини топшириш ва пул мукофотларини тўлаш тартибини белгиласин, юбилей медаллари ва уларнинг гувоҳномаларини белгиланган тартибда тайёрлашни таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2005 йил 6 апрель.

*• Вилоят ҳокимлигида*

## ЁЗГИ ТАЪТИЛ ТАРАДДУДИ

**Болаларнинг ёзги таътили кўнгилли ва мазмунли ўтиши хусусида ғамхўрлик соғлом авлодни тарбиялашнинг муҳим шартидир. Вилоят ҳокимлигида ўтган йиғилишда шу масала теварагида сўз юритилди.**

Унда ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, вилоят бошқарма ва бўлимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, касаба уюшмалари вилоят кенгашининг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдуҳамид Йўлдошев бошқарди.

Болаларни ёзги дам олдиришни ташкил этиш вазифалари муҳокама қилинди. Ёзги оромгоҳларни таъмирлаш, болаларни маънавий тарбиялаш, спорт ва бошқа тўгаракларда машғулотларни юқори савияда ташкил этиш, бунинг учун малакали тарбиячи ва ташкилотчи ходимларни танлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Оромгоҳларда тартибни сақлаш, санитария-гигиена ҳолатлари талаб даражасида бўлишини таъминлаш лозимлиги таъкидланди. Уқдирилдики, тегишли бошқармалар ва муассасалар, корхона ва ташкилотлар, касаба уюшмалари органлари болалар ёзи мазмунли ташкил этилиши учун ҳамма чораларни кўришлари керак.

*• 2005 йил – Сиҳат-саломатлик йили*

## «САВОДХОНЛИК ВА САЛОМАТЛИК»

**Бу йилги Бутунжаҳон саломатлик куни ана шу шиор остида ўтди. Шу муносабат билан вилоят хотин-қизлар қўмитаси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Саломатлик институтининг вилоят филиали ҳамкорлигида Паркентда уюштирилган учрашувда 300 киши қатнашди.**

Ҳар бир инсон ўз соғлиғи ҳақида ўзи қайғуриши, тиббий маданиятни эгаллаб бориши лозимлиги ҳақида гапирилди. Оилавий муносабатларнинг саломатликка таъсири кучли эканини унутмаслик лозим.

Қариндош-уруғлар ўртасида тузиладиган никоҳнинг салбий оқибатлари, никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш ва аёлларнинг туғишлар орасидаги маълум муддатга риоя қилиши ниҳоятда муҳимлиги борасида фикр юритилди.

Учрашувда вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова иштирок этди.

Машкура ЗОҲИДОВА.

*• «Шунқорлар — 2005»*

## УЛАР ЭНДИ ЎСМИРЛАР ЭМАС



**Вилоятимиз ўқувчи-ёшларини Қуролли Кучлар сафидаги ҳарбий хизматга ва ҳарбий билим юртларига киришга тайёрлаш, ўзаро маданий-спорт алоқаларини йўлга қўйиш, ёшларни спорт ҳаракатларига оммавий жалб қилиш, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида анъанавий ўтказиб келинаётган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларининг бу йилги баҳсларига ҳал қилувчи паллага кирди.**



*СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар.*
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида «Шунқорлар — 2005» мусобақасининг вилоятимизда якуний финал босқичи ўтказилди. Турнир «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши, вилоят мудофаа бошқармаси, халқ таълими бошқармаси, ўрта-махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, вилоят «Болалар спортини ривожлантириш» ва «Нуроний» жамғармаларининг вилоят бўлимлари, вилоят касаба уюшмалари кенгаши ва мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилди.

Ёш спортчилар сафда юриш, турникда тортилиш, граната отиш, ОЗК ҳимояси, югуриш, ҳарбий топография, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик ҳамда АК-74 автоматини қисмларга ажратиш ва отиш йўналишлари бўйича ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Ниҳоят, энг ҳаяжонли дақиқалар — ғолиб номини эълон қилиш фурсати етиб келди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган Оҳангарон шаҳар маиший хизмат кўрсатиш коллежи талабалари республика босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя этадиган бўлишди. 2-ўрин Чирчиқ шаҳар ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи жамоасига насиб этган бўлса, Қибрай тумани «Чинкелди» маиший хизмат кўрсатиш коллежи шоҳсупанинг 3-поғонасини эгаллади.

Мусобақа сўнгида иштирокчиларга ҳамда турнирни ташкил этишда фаоллик кўрсатган офицерларга қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар топширилди. «Камолот» ёшлар иштимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши раиси Диёр Алимов мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида сўз олиб, оҳангаронлик спортчиларга республика босқичида ҳам омад ёр бўлишини тилади.

**Шерзод ШУҲРАТОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## ЎЗБЕК КИТОБЛАРИ ВЕРНОНДА

**Франциянинг Вернон шаҳрида Буюк ипак йўлига бағишлаб ўтказилган китоб салонида Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар экспозициянинг салмоқли қисмини ташкил қилди.**

Кўргазма доирасида «Амир Темур ва Европа» мавзуида илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Темурийлар тарихини ўрганиш ассоциацияси президенти Люсьен Керен «Европаликлар Ўзбекистон тарихини, айниқса, Амир Темурнинг Европа мамлакатлари ҳукмдорлари билан алоқалар ўрнатган даврини яхши билиши зарур. Буюк саркарда ўша пайтдаёқ Европанинг бирлашишини башорат қилган эди», деб таъкидлади.

**«Жаҳон» АА.**

## ТАЛАБАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

**Вилоят «Соғлом авлод учун» жамғармаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорлигида Тошкент Давлат аграр университетининг талабалари ҳамда педагоглари ўртасида «ОИТС ва гиёҳвандлик», «Ёшлар соғлом турмуш тарзини танлайди» мавзуларида савол-жавоб кечалари ташкил этилди.**

Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми тарқалишига қарши кураш, мактаб ўқувчилари ва талабаларга бу иллатларнинг аянчли оқибатлари тушунтириш масалалари йиғилганларнинг диққат марказида бўлди.

**Раҳим АБДУЛЛАЕВ.**

## ЖАМҒАРМАНИНГ ОЙДИН ЙЎЛЛАРИ

**Тошкентда «Халқаро валюта жамғармаси фаолиятида матбуотнинг аҳамияти ва вазифаси» мавзуида анжуман ўтказилди.**

Тадбирни Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташкил этди.

Анжуманда Вашингтонда жойлашган мазкур ташкилотнинг ташқи алоқалар департаменти катта хизматчиси Ольга Станкова, журналистлар, банк ва давлат идораларининг матбуот хизмати ходимлари иштирок этди.

Халқаро валюта жамғармасининг вазифалари ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш усуллари ҳақида атрофлича маълумот бериш семинарнинг мақсади этиб белгиланди.

**Хусан СУЛАЙМОНОВ, «Туркистон-пресс».**

● *Ислоҳот одимлари*

**Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонуни 15-моддасига асосан инвестор томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг акциялари, улушлари ва бошқа мулкий ҳуқуқларининг 35 фоиздан ортиғини харид қилишдан олдин Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ёки унинг бошқармалари розилигини олиш шартлиги белгилаб қўйилган. Давлат органининг розилиги хўжалик юритувчи субъект, шахслар гуруҳининг товар бозорида устунлик мавқеини кучайтиришга ёки рақобатни чеклашга олиб келмасагина берилади.**

# ДАРОМАДНИНГ ЯРМИ СОФ ФОЙДА

Ушбу Қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси томонидан доимий равишда депозитарийларда рўйхатга олинган акциялар олди-сотдиси мунтазам ҳатловдан (инвентаризация) ўтказиб келинмоқда. Ҳудудий бошқарма ходимлари ўрганишлар чоғида акциядорлик ва масъулияти чекланган жамиятларнинг 35 фоиздан ортиқ акция ва улушларига (пай) эгалик қилишларининг хатловини олиб боришади. Ўтган йил давомида 49 та хўжалик юритувчи субъект бўйича шундай тадбир ўтказилиб, 3 та мурожаат аризаларига розилик қарори берилди.

«Пахтакабель заводи» масъулияти чекланган жамият шаклидаги Англия хорижий корхонаси ўтган йили «Балиқчи» очиқ акциядорлик жамиятининг 30,7 фоиз акция пакетини харид қилишга розилик олиш учун бошқармага мурожаат қилган эди. Бу ариза кўриб чиқилиб, ушбу корхона «Балиқчи» акциядорлик жамиятининг қўшимча 30,7 фоиз акция пакетини сотиб олиш билан бизнес режасига асосан 1 миллиард сўм ёки бир миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритиб, жамиятни қайта тиклаш, кенгайтириш, ихтисослаштириш ва қувватларини техник қайта қуроллантириш шарти билан унга розилик берилди. Айтиб ўтиш жоизки, ушбу икки корхона республиканинг турли товар бозорларида фаолият юритишади, лекин устунлик мавқеига эга эмаслар.

Ушбу қарорга асосан Англия хорижий корхонасига жамиятнинг қўшимча 30,7 фоиз (15347 дона) акциялари, яъни «Тошкент-Инвест» ЁАЖга тегишли 23,7 (11847 дона) ҳамда «Пойтахтсавдо» МЧЖга тегишли 7 фоиз (3500 дона) акцияларини сотиб олишга рухсат берилди. Натижада мурожаат этувчининг «Балиқчи» очиқ акциядорлик жамиятининг акцияларидаги улуши 48,67 фоизни (24327 дона) ташкил этди.

Юқоридаги қарор қабул қилингунига қадар жамиятнинг эркин савдодаги (қўшимча эмиссия қилиб чиқарилган) 34,38 (17188 дона) фоиз акциялари тақсимланмаган эди.

Корхонанинг кузатув кенгаши йиғилишининг қарорига асосан «Акциядорлик жамиятлари ҳақида ва акциядорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун доирасида иш олиб борилди. Бу акциялар эски акциядорлар ўртасида қимматли қоғозлар бозори биржасидан ташқарида жамият акциядорларининг устав фондидаги улушига қараб тақсимланган. Бунинг натижасида Англия хорижий корхонасининг улуши 28,01 фоиз (14006 дона) «Тошкент-Инвест» ЁАЖнинг улуши 36,1 (18050 дона) ҳамда «Пойтахтсавдо» МЧЖнинг улуши 10,66 фоиз (5330 дона) акцияни ташкил қилган. Бу уч корхонага тегишли бўлган акцияларнинг жами улуши 48,67 фоиздан (24327 дона) 74,77 фоизгача (37386 дона) ошган.

Ҳудудий бошқарма 30,7 фоиз акция пакетини сотиб олишга розилик бериш билан бирга келгусида Англия хорижий корхонасининг бизнес режасига асосан амалга ошириладиган ишлар назоратини мунтазам олиб боради.

Яқинда ҳудудий бошқарма комиссияси акцияларни сотиб олишга розилик олган инвесторлар билан йиғилиш ўтказди. Улардан бажарилган ишлар тўғрисида олинган маълумотларга кўра, ўтган йилнинг якуни бўйича 1157 тонна балиқ маҳсулоти сотилган. Шулардан тирик балиқ 541 тонна, совутилгани 82 тонна, музлатилгани 420 тонна ҳамда дудланган маҳсулот 4 тоннага тўғри келган. Савдодан тушган жами даромад 825 миллион 932,2 минг сўмни, соф фойда эса 403 миллион 896,9 минг сўмни ташкил қилган. Давлат мулк қўмитаси билан «Пахтакабель заводи» очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги Англия хорижий корхонаси ўртасида тузилган шартномага асосан, корхона 2006 йилнинг биринчи чорагигача 1 миллиард сўм ёки 1 миллион АҚШ доллари миқдорида пул маблағларини киритиши ва шундан 30 фоизи туманнинг ижтимоий инфраструктурасини ривожлантиришга йўналтирилиши керак. Бундан ташқари, инвестицион мажбуриятларни бажариш мақсадида вилоят ҳокимлигининг инвестиция бўлими билан келишувга асосан «Балиқчи» ОАЖга яқин бўлган ҳудудда устав жамғармаси уч юз миллион сўмлик қишлоқ хўжалик корхонаси ташкил қилинади ҳамда 35-40 та янги ишчи ўринлари яратилади.

Ҳозирги кунда жамиятда янги техникалар, балиқ тутиш воситаларини сотиб олиш, ҳовуз ва гидротехник қурилмаларни таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Бундан мақсад янги мавсумга пухта тайёргарлик кўришдир.

**Хуршида НАЗАРОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# ФРАНЦИЯДА САНЪАТ КЎРГАЗМАСИ

**Франциянинг Марсель шаҳрида Ўзбекистон амалий санъат кўргазмаси якунланди.**

Мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси томонидан ташкил қилинган ушбу анжуманга таниқли маданият арбоблари, жамоатчилик ташкилотлари вакиллари, кўпсонли санъат ихлосмандлари ташриф буюриб, халқимизнинг бой маданий мероси намуналари бўлмиш зардўзлик, сўзана, ёғоч ўймакорлиги, миниатюра ҳамда кулолчилик асарлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

— Бугун Ўзбекистонда ҳукм сураётган миллатлараро бирдамлик ва тотувлик дунё мамлакатларига ўрнак бўлаяпти, биз бунинг қадрига етамиз, — деди Франция Миллий Ассамблеяси депутати, парламент мудофаа комиссияси раиси, шаҳарнинг 9-10-департаментлари мэри Гий Тесьер. — Мазкур кўргазмада намойиш этилаётган санъат асарлари эса ўзбек халқининг нақадар чуқур тарихий қадриятларга эгалигидан далолат бермоқда. Улар ўз сеҳри билан мафтун этиб, ҳар бир ихлосмандни шарқона эртаклар оламига етаклаяпти.

**Ғайрат ШУКУРОВ,**
**«Жаҳон» АА.**

● *Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик*

# ТАДБИРКОР САРМОЯ КИРИТГАЧ

**«Ангрен нон» очиқ акциядорлик жамиятида ҳар куни ўнлаб турдаги нон маҳсулотлари тайёрланади. Лекин корхонада фойдаланилаётган асбоб-ускуналар анча эскирганлиги учун бу соҳада шошилинч чора-тадбирлар кўриш керак бўлиб қолди.**

Бунинг учун уни хусусийлаштириш йўли танланди. Шу мақсадда корхонанинг акциялари очиқ бозорга чиқарилди. Харидорлар ҳам дарров топилди. Хусусий тадбиркор Равшанбек Қодирхўжаев бу акцияларнинг 62,5 фоизини сотиб олишга аҳд қилиб, вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасига мурожаат қилди. Тадбиркор келгусида корхонанинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган бизнес-режани ҳам тақдим этди. У синчиклаб ўрганиб чиқилди ва маъқул деб топилди. Ишбилармон корхонага 12 миллион сўм сармоя киритиш мажбуриятини олгани учун корхона акцияларининг деярли учдан икки қисмини сотиб олишга рухсат берилди.

Бу маблағ ҳисобидан 7 миллион сўмга «МАЗ» автоулови харид қилинди. Бу юк ташиш харажатларини кескин камайтиришга олиб келди. Шу тадбир туфайли қисқа муддат ичида 8 миллион 989 минг сўм тежаб қолинди ва автомашина харажати ортиғи билан қопланди.

**Собир ҲАМИДОВ.**



# «АВТОМУРАББИЙ» САБОҚЛАРИ

**Ўзбекисон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Бўстонлиқ тумани кенгашида қишлоқ хўжалиги ҳамда корхона ва ташкилотлар учун «В» ва «ВС» тоифасидаги автомашина ҳайдовчиларини тайёрлаш тобора кенгаймоқда.**

Шу йилнинг биринчи чорагида 110 нафар тингловчи «Тико», «Матиз», «Москвич» русумли енгил автомобиллар ҳамда юк автоулови, «ПАЗ» автобусларини бошқариш гувоҳномасини олди.

Шунингдек, туман кенгаши армия хизматини ўташ давригача ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида учта секция очди. Спортнинг техник ва амалий турларидан ҳисобланган ўқ отиш, биатлон ҳамда автомоделчилик бўйича мунтазам олиб борилаётган машғулотларда 50 нафардан зиёд ёшлар қатнашмоқда.

Кенгашнинг бу соҳалардаги фаолияти ўз самарасини бермоқда. Секциялар 2004 йилда 49 миллион сўмлик даромад келтирди. Унинг 12 миллион сўми соф фойда.

Бу вилоятдаги барча кенгашлар ўртасида энг юқори кўрсаткичдир.

— Бу йил амалга оширмоқчи бўлган ишларимиз кўп, — дейди туман «Ватанпарвар» ташкилотининг раҳбари Қурбонали Мирализмов. — Чунончи, республикамизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг кўргазмали қуроллари ҳамда сўнгги русумдаги компьютерларни харид қилишни режалаштирганмиз.

Ташкилотдаги сўнгги янгиликлардан бири «Автомураббий» кичик корхонасининг очилганлигидир. Бу ерда турли автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда миллий этикдўзлик билан шуғулланилади. Ўтган йили аҳолига 4 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди.

**Хосият МЎМИНОВА.**

***СУРАТДА:** мураббий Лутфулла Турғунбоев (чапдан биринчи) тингловчилар билан машғулот ўтказмоқда.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# БУНЁДКОРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Вилоят ҳокимлигида Қибрай, Ўртачирчиқ, Пскент, Оҳангарон, Тошкент туманларида қурилиши режалаштирилган объектлар учун навбатдаги тендер савдолари бўлиб ўтди.**

Қибрай туманидаги 50 ўринли қишлоқ шифокорлик пункти қурилиши «Махсусқурмонсервис» хусусий ташкилотига топширилди. 78 миллион 388 минг сўм қийматга эга бўлган бу қурилиш объекти уч ой давомида битказилиши режалаштирилди. Ўртачирчиқ туманидаги Дўстлик маҳалласида 3 минг кишига хизмат кўрсатадиган қишлоқ шифокорлик пунктини тендер савдосида ғолиб чиққан «Santimpeks» ташкилоти объектни 75 миллион сўмга қуриб, фойдаланишга топширади.

Шунингдек, Пскент туманидаги Оқтепа маҳалласи ва Оҳангарон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги ҳудудидаги қишлоқ шифокорлик пунктлари қурилиши ҳам тендер савдоларида ютиб чиққан ташкилотларга муддати белгиланган ҳолда топширилди.

Тендерда яна бир объект — Тошкент туманидаги 10-мактаб болалар спорт мажмуаси қурилиши ҳам кўриб чиқилиб, битказилиш муддати белгиланди.

**Камолиддин АСҚАРОВ.**

**Аҳолини иш билан таъминлаш дастурига мувофиқ жорий йилнинг биринчи ярмида Тошкент вилоятида 16 минг 300 янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Ўтган уч ой давомида унинг ярми – саккиз минг юзтаси ташкил этилди.**

# САККИЗ МИНГТА ИШ ЎРНИ

– Аёлларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз, – дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Турсунмат Холбоев. – 2005-2007 йилларга мўлжалланган махсус дастурга мувофиқ қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жойларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари яхши натижа беряпти. Натижада уч мингдан зиёд хотин-қиз доимий иш жойига эга бўлди. Юздан ортиқ киши қайта ўқитилиб, малака оширишга, эллик нафари эса турли жамоат ишларига жалб этилди.

Янги иш ўринлари яратиш эса муттасил рағбатлантириб борилмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилган имтиёзли кредитлар миқдори 110 миллион сўмдан ошди.

**Н. ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.**

● *Бугун — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун*

# АСРЛАР ДАВОМИДА ЎРНАК ВА АНДОЗА

**«Амир Темур давлатининг қурилиши, ҳарбий санъати кўп асрлар давомида Шарқу Ғарб давлатларига ўрнак ва андоза бўлди».**

**Ислом КАРИМОВ.**



Амир Темур ёшлигидан жангу жадалларда чиниқиб, шахсий ҳаёт сабоқлари ва давр ҳарбий санъати тажрибаси асосида ҳар қандай шароитда ҳам жанг қила оладиган интизомли мунтазам қўшин тузиб, ўз замонасида салмоқли из қолдирди ва ватан озодлиги йўлида марказлашган давлат қуриш учун бел боғлаган саркарда 1370 йили Мовароуннаҳр ҳукмдори сифатида дунёга танила бошлади. Соҳибқирон биринчи навбатда мўғуллар томонидан вайронага айлантирилган шаҳар ва қишлоқларни тиклашга, ички ва ташқи хавф-хатарларнинг олдини олиш мақсадида малакали қўшин тузишга алоҳида эътибор қаратди. Қўшиннинг жанговар тартиби, аскарларнинг кийим-бошлари ва қуролланиш даражаси «Темур тузуклари» ва Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи» каби тарихий асарларда баён этилган.

Амир Темур қўшини асосан чорвадор ва ўтроқ ҳунармандлардан ташкил топганлиги, отлиқ армия қаторида тоғли жойларда жанг қила оладиган махсус пиёдалари бўлганлиги билан Чингизхон қўшинидан тубдан фарқ қилган. У ҳарбий санъат тарихида биринчилардан бўлиб ўқ сочар қуроли — раъд (тўп)ни қуроллар қаторига олиб кирди, 7 қисм (қўл)дан иборат бўлган ўз замонасининг қудратли армиясини тузди. Ўз маҳоратини икки йўналишда, яъни аскарий қисмларни қайта ташкил этиш ва қўмондонликда кўрсата олган. Ҳар бир жанг олдидан шахсан ўзи қўшин қисмларини кўрикдан ўтказиб, қўшин сонини рақиб қўшини сонидан келиб чиққан ҳолда жамлаган.

Тарихий манбаларда Хитойга юриш даврида Амир Темурнинг суворий ва пиёдалари сони 800 мингга етганлиги айтилган.

Қўшин асосан отлиқ аскарлардан ташкил топган бўлиб, улар енгил ва оғир қуролли қисмларга бўлинган. Енгил қуролли қисм садоқ, ўқ-ёй, қилич ва енгил кийим-бош билан таъминланган бўлиб, асосан айғоқчи-кузатувчи ва соқчилик вазифаларини бажарган, зарурат туғилгандагина жангга киришган. Устларига совут, бошларига дубулға, ниқоб кийган, оғир кийим-бошли иккинчи қисм садоқ, ўқ-ёй, шашпар, найза, қилич, ойболта, қалқон кабилар билан қуролланган. Сара жангчилардан тузилган бу суворийлар асосий зарба берувчи куч ҳисобланган.

Йирик жанглардаги асосий раҳбарлик Амир Темур томонидан амалга оширилган. Унинг ҳарбий юришлари тўғрисида Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида маълумот берилишича, агар рақиб томон ажратган аскарлар кўп бўлиб, уларнинг устунлиги сезилса, Амир Темур ўзининг ишончли отряди билан жангга отланган. У қатнашмаган жангларда — нойиби «Амир ул-умаро (олий бош қўмондон) бошчилик қилган. Унинг қўл остида соҳибқироннинг ишончли одамлари бўлмиш бек (мингбеги, юзбеги, ўнбеги)лар бошчилик қилаётган қисмлар ҳаракат қилишган.

Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, ҳарбий сафарда ҳар бир жангчи ўзи билан бир йилга етадиган озиқ-овқат, камони билан ўттиз ўқли садоқ, совут, найза ва қалқон олган. Ҳар икки суворийнинг битта заҳира чопқир оти, ўнлик қисмда (айл) биттадан чодир, қозон, кетмон, ўроқ, болта, бигиз, иккитадан белкурак, 100 та игна, ярим ман арқон, битта ошланган пишиқ тери бўлиши шарт эди. Ҳар бир вилоят белгиланган асосий (асл) ҳамда заҳира (изофа) қисмларни тўплаб берарди. Вилоятлар тошотар (сангандоз), девор бузувчи (манжаниқ), ўт отадиган (радандоз ва нафтандоз) ҳамда ўзи отар қуролларни ишлата биладиган жангчиларни тайёрлаб берар эди.

Гарчи темурийлар давридаги ҳарбий кийимлар ва қуроллар ҳақида ёзма манбалар, миниатюралардан маълум бир маълумотларга эга бўлсак-да, уларнинг асл нусхалари бизнинг давримизгача жуда оз миқдорда етиб келган. Ҳозир XIV-XV асрларга оид шаҳарлар, меъморий ёдгорликлар харобаларида олиб борилаётган археологик тадқиқот ишлари ушбу муаммоларнинг ечимини топишда ижобий натижалар бермоқда.

Масалан, Амир Темур замонидаги Самарқанд арки харобаларидан темир совут, ўқ, садоқ қолдиқлари, Амир Темур даврида қайта тикланган Шоҳруҳия қалъа-шаҳри (Тошкент вилояти, Оққўрғон туманида) харобаларидан пўлат совут ва дубулға, чармдан ишланган қўл палахмонининг парчалари, палахмон тошларининг топилиши ашёвий далил сифатида бебаҳо қимматга эгадир. Айниқса, ушбу ёдгорлик тархи (чизмаси, лойиҳаси)нинг ўрганилиши натижасида аниқланган мудофаа девори ва уларга тиркалиб қурилган ярим айланасимон кўринишдаги 30 га яқин буржларнинг тузилишига назар ташлар экансиз, Амир Темурнинг муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган бу қалъа-шаҳарни қуришдаги билими ва ўта нозик маҳоратига шубҳа қолмайди.

**Ўткир АЛИМОВ,**
**Темурийлар тарихи давлат музейи директорининг муовини.**

# МАҚСАД — СОҒЛОМ РАҚОБАТ

**Ўзбек Миллий академик драма театри биносида Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида белгиланган устувор вазифаларнинг ижросига бағишланган бевосита мулоқот бўлиб ўтди.**

У Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилди. Тадбирда қатор вазирликлар, давлат ва хўжалик идоралари, тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари иштирок этишди. Унда «Тадбиркорликнинг ривожланиши учун соғлом рақобат муҳитини яратиш — устувор мақсадимиз!» мавзусида фикр юритилди.

Кичик ва хусусий бизнес ривожланишидаги сунъий тўсиқларни бартараф этиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларини чеклаш, қулай ва ҳалол рақобат муҳитини яратиш, шунингдек, амалдаги қонунчилик базасини такомиллаштириш вазифаларига оид масалалар муҳокама қилинди.

Мулоқот қатнашчилари бугунги кунда давлатимиз томонидан тадбиркорларга яратилаётган шароитлар, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун ва моҳияти ҳақида фикрлашиб олишди. Давлат солиқ қўмитаси ходимлари айни вақтдаги солиқ тизимида тадбиркорлар учун яратилган қулайликларни батафсил шарҳлаб бердилар.

**Ўз мухбиримиз.**

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ»:

# АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

**Бекободдаги «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини тобора кўпайтирмоқда. Ўтган уч ой мобайнида 152 минг 200 тонна пўлат эритган корхона истеъмолчиларга салкам 150 минг тонна тайёр металл прокати етказиб берди. Ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 122,7 фоизга тенг бўлди. Экспорт ҳажми ҳам ошмоқда.**

– Корхонани замонавий техника ва технология билан жиҳозлаш ишлари изчил амалга оширилаётгани, шунингдек, иккиламчи металл хомашёси етказиб берувчилар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилгани муваффақиятларимизнинг бош омилидир, – дейди корхона бош иқтисодчиси Карим Ёқубов. – Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини яхшилаш билан бирга уларнинг турини ҳам кўпайтириш имконияти туғилмоқда.

Жумладан, 2-навли прокат цехида 12 ҳамда 14 миллиметр ҳажмдаги квадрат металл прокати ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Машинасозлик саноати, қурилиш ҳамда ободонлаштириш соҳасида ишлатиладиган бундай маҳсулот авваллари четдан олиб келинар эди. Бекобод металлурглари ҳозиргача салкам минг тонна ана шундай харидоргир маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб берди.

Корхона йил бошидан буён истеъмолчиларга 556 миллион сўмлик халқ истеъмоли буюмлари ҳам жўнатди.

**Неъмат ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**



# ҲАММА ГАП ЭЪТИБОРДА

**Бекобод туманидаги Мирзо Улуғбек номли ширкат хўжалигида сўнгги йиллари чорва туёғи камайиб кетди, маҳсулдорлик пасайди. Зооветеринария қоидаларига амал қилмаслик, наслчилик ишларидаги хатолар, мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтиришга етарли эътибор йўқлиги боис режалар уддаланмасди. Оқибатда зарар сурункали тус олди.**

— Чорвачилик бўлимида иш бошлаган вақтимда қаҳратон қиш эди, — дейди ферма мудири Каримжон Нурматов. — Ем йўқ, ҳашак тугаб бораётир, соғувчилар ҳам ташвишда. Қўлни қовуштириб ўтириш, борини баҳам кўриш оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Молларни қишловдан беталофат олиб чиқиш йўлларини изладик. Югуриб-елишимиз, қишли-қировли кунлардаги меҳнатимиз бесамар кетмади. Бугун маҳсулдорлик ошаётгани, соғлом, бақувват бузоқлар олаётганимиз ўша меҳнатимиз самарасидир.

Фермада сут, гўшт топшириш, бузоқ олиш ойдан-ойга кўпаймоқда. Наслчилик ишларига алоҳида аҳамият берилаётгани боис моллар туёғи зотли бузоқлар ҳисобига кўпайяпти. Ҳозир ҳар ойда 17-18 тоннага етказиб сут топширилмоқда. Айниқса, ферма истиқболи, чорвачилик равнақи ҳисобланган бузоқлар парваришига эътибор кучайтирилди.

Бу йил озуқабоп экинлардан юқори ҳосил олиш чоралари кўрилмоқда. Янги бедазорлар ташкил этиш, маккажўхоридан ҳам дон, ҳам кўкпоя олишни кўпайтириш режалаштирилган. Айни вақтда 400 дан ортиқ қорамол, 150 та бузоқ боқаётган бу чорвадорлар баҳордан бошлаб мустаҳкам ем-хашак базасини яратишга ҳаракат қилмоқдалар.

**Турсунали УСМОНОВ.**

***СУРАТДА:*** *илғор бузоқбоқарлардан бири Гулчеҳра Усмонова.*

**Муаллиф олган сурат.**

# Dushanba 11

### «Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45 «23,5 даражали бурчак остида». Ҳужжатли телесериал.
9.35 «Бизнес ҳафта».
9.50 «Табиат шифохонаси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
11.55, 15.55 ТВ анонс.
12.05 «Дастурхон атрофида».
12.20 «Шахсий фикр».
12.50 Эстрада тароналари.
13.10 «Бу турфа олам».
14.10 «Кўш қанотлар».
14.30 Кундузги сеанс: «Қора ўқ«. Бадиий фильм.
16.00 Мусиқий танаффус.
16.10 «Портретга чизгилар».
«Болалар сайёраси»:
16.25 1. «Асалари бўлган экан». Мультфильм. 2. «Ғаройибкентга саёҳат». 3. «Олтин тож».
17.35 «КиноТеатр».
17.55 ТВ анонс.
18.10 «Ҳар кунинг ўлсин Наврўз».
18.30 «Мусиқий фильмотека». М. Абдуллажонова куйлайди.
18.40 «Мактуб - кўнгил ойнаси».
19.05 «Мулкдор».
19.25 «Ўзлото кундалиги» ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Равнақ« студияси намойиш этади:
21.20 «Назм ва наво».
22.00 «Ҳамма неъматни борида қадрла».
22.05 «Ободлик кўнгилдан бошланади».
22.25 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Бегона». Телесериал.
23.25 «Ахборот-дайжест».
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар»

16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Давр» ҳафта ичида.
17.30, 19.35, 22.35 ТВ - анонс.
17.35 «Янги авлод» почтаси.
17.55 «Беодоб бола». Мультфильм.
18.05 Қўли гул уста.
18.25 Ёшлар овози.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.40 Ўқишга марҳамат!
19.45 Ҳамкор-2005.
19.55 Телевикторина.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Мусиқий лаҳзалар.
20.20 Сув - ҳаёт манбаи.
20.25, 21.15 Эълонлар.
20.30 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.20 Олис манзиллар.
21.40 ТВ - адвокат.
21.45 Олтин мерос.
22.45 «Оқшом юлдузи». Дам олиш ва ахборот дастури.
23.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол
0.35 - 0.40 Хайрли тун.

### «Тошкент»

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 ТТВда сериал: «Австралиянинг ёввойи табиати».
17.30 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
17.50, 20.40 «Экс-пресс» телегазетаси.
18.10 «Мультчархпалак».
18.30, 20.00, 21.00, 21.40 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».
20.20 «Ёшлар даврасида».
21.20 «Мурувват».
22.00 Кинонигоҳ. «Виктория».
23.25-23.30 Хайрли тун, шаҳрим!

### «Спорт»

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Зарбли футбол». Болалар учун фильм.
10.40 Баскетбол.
11.30 Дзюдо.
12.20-13.10 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Машъал» - «Навбаҳор».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 Дисней клуб.
17.40 «Клон». Сериал.
18.50 «Саломат бўлинг».
19.05 Кураш.
19.35 «Спортимиз маликалари».
19.50 «Спорт - клуб».
20.00 «Время».
20.30 Премьера «Қақнус». Сериал.
21.05 «Хабарлар».
21.20 «Футбол плюс».
21.50 «Проф-РИНГ».
22.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### 30-канал

16.55 гача профилактика ишлари
16.55 Открытие программы 17.00 «Зарубежные клипы» 17.25 «Теле-хамкор» 17.45 «Детский час» 18.10 «Музыкальная пауза» 18.45 «Бедная Настя», сериал 19.45 «Ошикона» 20.30 «Кичкинтойлар олами», детская передача 21.00 «Теле-хамкор» 21.20 «Музыкальная пауза» 22.20 Киновечер на «30-м»: «Ангел мести», комедия 002.00 Программа передач

# Seshanba 12

### «Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «23,5 даражали бурчак остида». Ҳужжатли телесериал.
9.30 «Рангин дунё».
9.50 «Рубоб тароналари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ғаройиб ҳодиса». Бадиий фильм.
11.05 «Мулкдор».
11.25 «Ўзбекистон адиблари».
11.50 ТВ клип.
12.05 «Мактуб - кўнгил ойнаси».
12.30, 13.55 ТВ анонс.
12.35 «Олам».
12.55 «Мусиқий драмалардан ариялар».
13.10 «Бегона». Телесериал.
14.10 «Муносабат».
14.40 «Сузишни истайман». Мультфильм.
15.10 «Ободлик кўнгилдан бошланади».
«Болалар сайёраси»:
15.30 1. «Мактаб ҳангомалари». 2. «Кувноқ стартлар».
16.30 Мусиқий танаффус.
16.40 Ибн Сино ривоятлари.
17.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Остонаси тиллодан».
18.30 «Куйла, ёшлигим».
18.50 «Ҳамма неъматни борида қадрла».
18.55 ТВ анонс.
19.00 «Ойбек ёди».
19.05 «Тафсилот».
19.25 «Ўзлото» кундалиги ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Фарз ва қарз».
21.25 «Сиз нима дейсиз?» Мусиқий дастур.
22.00 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Бегона». Телесериал.
23.00 «Оҳанглар оғушида».
23.10 «Ахборот-дайжест».
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» почтаси.
8.50 Олтин мерос.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
10.10 Катта танаффус.
10.30 «Акаиро». Мультфильм.
10.50 Қўли гул уста.
11.10, 13.10, 16.10, 19.35, 22.35 ТВ - анонс.
11.20 Чемпион сирлари (рус тилида)
11.40 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
12.30 Ёшлар овози.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.15 Интерфутбол.
14.55 Олис манзиллар.
15.15 «Даллас». Телесериал.
16.15 Кўрсатувлар дастури.
16.20 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаҳа.
16.40 Янги алифбони ўрганамиз.
16.55 Мусиқа: кеча ва бугун.
17.25 Огоҳлик - давр талаби.
17.45 Ёшлар овози.
18.05 Орзулар қанотида.
18.35 Равнақ.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.40 Ўқишга марҳамат.
19.45 «Давр» - репортаж.
19.55 Мусиқий лаҳза.
20.00 «JOKER» телелотореяси.
20.10 Марди майдон.
20.30, 21.20 Эълонлар.
20.35 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.25 «Чўпон». Видеофильм.
21.45 ТВ-адвокат.
21.50 Олтин мерос.
22.45 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
23.10 - 23.15 Хайрли тун.

### «Тошкент»

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 ТТВда сериал: «Австралиянинг ёввойи табиати».
17.30 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
17.50, 20.40 «Экс-пресс» телегазетаси.
18.10 «Мусиқий меҳмонхона».
18.30, 20.00, 21.00, 21.40 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.20 ТТВ да сериал: «Бу ҳам кино».
20.20 «Инсон ва қонун».
21.20 «Ҳамшаҳарлар».
22.00 Кинонигоҳ: «Худди ота-боладек».
23.20-23.25 Хайрли тун, шаҳрим!

### «Спорт»

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 Баскетбол.
9.45 Дзюдо.
10.30 Дисней клуб.
11.00 «Янгиликлар».
11.20-13.10 Ҳужжатли фильм.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Умид ниҳоллари».
17.40 «Клон». Сериал.
18.50 Таэквондо ITF.
19.15 Кикбоксинг.
20.00 «Время».
20.30 Премьера «Қақнус». Сериал.
21.05 «Хабарлар».
21.20 «Футбол шарҳи».
21.40 Аср сирлари. «Ю. Гагарин. Охирги 24 соат».
22.30 «Спорт — менинг ҳаётим».
22.40 Профессионал баскетбол.
23.40 Футбол. Европа чемпионлар лигаси. Чорак финал. (Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
1.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### 30-канал

12.00 Открытие программы 12.05 «Теле-хамкор» 12.25 «Детский час» 12.50 «Бедная Настя», сериал 14.00 Художественный фильм, «Ангел мести», комедия 15.40 «Ошикона» 16.25 Документальный сериал 17.25 «Теле-хамкор» 17.45 «Детский час» 18.10 «Музыкальная пауза» 18.45 «Бедная Настя», сериал 19.45 «Ошикона» 20.30 «Кичкинтойлар олами», детская передача 21.00 «Теле-хамкор» 21.20 «Музыкальная пауза» 22.20 Киновечер на «30-м»: «Человек амфибия», мелодрама 00.00 Программа передач

# Chorshanba 13

### «Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «23,5 даражали бурчак остида». Ҳужжатли телесериал.
9.25 «Остонаси тиллодан».
9.45 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ҳисор кўриқхонаси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Бемби». Мультфильм.
11.25 «Тафсилот».
11.45 Мусиқий танаффус.
11.55 ТВ анонс.
12.05 Болалар учун. «Саргузаштлар ороли».
12.35 «Яхшилик».
13.00 «Бегона». Телесериал.
13.45 «Рақснинг сеҳрли олами».
14.10 «Фарз ва қарз».
14.30, 16.10 ТВ анонс.
14.35 Кундузги сеанс: «Нил дарёсидаги олишув». Бадиий фильм. 1-қисм.
15.40 «Ягона оилада».
«Болалар сайёраси»:
16.15 1. «Ким кучли?» Мультфильм. 2. «Болалар спорти». 3. «Қизиқарли учрашувлар».
17.25 Ибн Сино ривоятлари.
17.55 ТВ клип.
18.10 «Таълим ва тараққиёт».
18.30 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Баҳор нафаси».
18.35 Мумтоз наволар.
18.50 «Ўзингни, ўз юртингни ўзинг асра!»
19.10 «Пластик карточкалар ҳамма учун фойдали».
19.15 «Ўзлото». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Журналист таҳлили».
21.25 Ўзбекистон халқ артисти М. Мавлонов куйлайди.
21.45 «Ҳамма неъматни борида қадрла».
21.50 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Бегона». Телесериал.
22.50 «Оҳанглар оғушида».
23.00 «Ахборот-дайжест».
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаҳа.
8.50 Олтин мерос.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
10.10 «Давр» - репортаж.
10.20 Бахтли болалик.
10.40 «Барака ёмғири». Мультфильм.
10.50 Хотира.
11.10, 13.10, 16.10, 19.35, 22.35 ТВ - анонс.
11.20 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
12.10 Огоҳлик - давр талаби.
12.30 Ёшлар овози.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.15 «Ака - ука Гримм эртаклари». Мультсериал.
13.40 «Дала ҳовли». Бадиий фильм.
15.00 Янги алифбони ўрганамиз.
15.15 «Даллас». Телесериал.
16.20 Жар ёқасида.
16.35 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Қушлар».
16.50 Кўрсатувлар дастури.
16.55 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Соғлом авлод.
17.35 Тенгдошлар.
17.55 Наво.
18.10 Телевикторина.
18.15 Ёшлар овози.
18.35 Каталог.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 Ўқишга марҳамат!
19.40 Автопатрул.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Мусиқий лаҳза.
20.15 Тараққиёт сари.
20.35, 21.25 Эълонлар.
20.40 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.30 Ҳаёт давом этади.
21.50 Олтин мерос.
22.45 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Ринг қироллари.
0.00-0.05 Хайрли тун.

### «Тошкент»

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 ТТВда сериал: «Австралиянинг ёввойи табиати».
17.30 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
17.50, 20.40 «Экс-пресс» телегазетаси.
18.10 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.00, 21.55 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.20 ТТVда сериал: «Бу ҳам кино».
20.20 «Хайрли оқшом».
21.20 «Равнақ студияси намойиш этади».
21.35 «Эл хизматида».
22.15 Кинонигоҳ : «Эйс Вентура».
23.30-23.35. Хайрли тун, шаҳрим!

### «Спорт»

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 Дзюдо.
9.30 Оғир атлетика.
10.20 «Белида белбоғи борлар».
10.40-11.40 Жаҳон спорти: «Проф-РИНГ».
16.55. Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 Болалар спорти.
17.35 Мультфильм.
17.40 «Клон». Сериал.
18.50 Таэквондо ITF.
19.15 Полвонлар даврасида.
19.45 «Майдон ортидаги одам».
20.00 «Время».
20.30 Премьера «Қақнус». Сериал.
21.05 «Хабарлар».
21.20 «Спорт - клуб». Айкидо.
21.40 Ҳужжатли фильм.
22.30 «Кучли бешлик».
23.10 «Баҳодирлар ўйини».
23.40 Футбол. Европа чемпионлар лигаси. Чорак финал. (Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
1.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### 30-канал

12.00 Открытие программы 12.05 «Теле-хамкор» 12.25 «Детский час» 12.50 «Бедная Настя», сериал 14.00 Художественный фильм, «Человек амфибия», мелодрама 15.40 «Озгина-Созгина» - совместный проект «30-го канала» и муз.-центра «Соз» 16.25 Документальный сериал 17.25 «Теле-хамкор» 17.45 «Детский час» 18.10 «Музыкальная пауза» 18.45 «Бедная Настя», сериал 19.45 «Ошикона» 20.30 «Кичкинтойлар олами», детская передача 21.00 «Теле-хамкор» 21.20 «Музыкальная пауза» 22.20 Киновечер на «30-м»: «Формула 51», остросюжетный фильм 00.00 Программа передач

# Payshanba 14

### «Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Келинг, бир кулишайлик».
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Болалар спорти». 2. «Қизиқарли учрашувлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Бойвачча Рич». Бадиий фильм.
11.30 «Ўзингни, ўз юртингни ўзинг асра!»
11.50 Мусиқий танаффус.
12.05 «Ҳаракатда - баракат».
12.20, 15.35 ТВ анонс.
12.25 «Гап чикди».
13.15 «Бегона». Телесериал.
14.10 «Журналист таҳлили».
14.30 Кундузги сеанс: «Нил дарёсидаги олишув». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.40 «Парле ву франсе?»
16.00 «Санъатга бахшида умр». Ж. Раҳимов.
«Болалар сайёраси»:
16.20 1. «Қўнғироқгул». Мультфильм. 2. «Яшил чироқ». 3. «Цирк, цирк, цирк».
17.40 ТВ анонс.
17.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Тиббиёт одимлари».
18.25 Бир жуфт қўшиқ.
18.35 «Ойбек ёди».
18.40 «Ҳамма неъматни борида қадрла».
18.45 «Ҳаёт ва қонун».
19.05 «Зийнат».
19.25 «Ўзлото кундалиги» ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулоқот.
21.50 «Навоий гулшани». Бадиий-мусиқий дастур.
22.15 «Рўё». Бадиий фильм. 1-қисм.
23.30 «Оҳанглар оғушида».
23.35 «Ахборот-дайжест».
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
8.50 Олтин мерос.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
10.10 Тенгдошлар.
10.30 Соғлом авлод.
10.50 «Мульттомоша».
11.05, 13.10, 16.10, 19.35, 22.35 ТВ - анонс.
11.15 Жаҳон жуғрофияси.
12.05 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.30 Ёшлар овози.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.15 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал.
13.40 «Жадвалдан ташқари поезд». Бадиий фильм.
14.55 Автопатрул.
15.15 «Даллас». Телесериал.
16.20 Тараққиёт сари.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: Шоҳсупа, Ҳар соҳага саёҳат.
17.25 Ёшлар куйлаганда.
17.40 Нигоҳ.
18.20 Табобат оламида.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.40 Ўқишга марҳамат.
19.45 Ўзимизники.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 Телевикторина.
20.10 Ёшлар овози.
20.30, 21.20 Эълонлар.
20.35 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.25 Бегойим.
21.45 ТВ-адвокат.
21.50 Олтин мерос.
22.45 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
23.10 - 23.15 Хайрли тун.

# ЮРАГИМДА УНГАН ГУЛИМСАН, ВАТАН!

## Чирчиқда фольклор-этнографик жамоаларнинг вилоят кўрик-фестивали бўлиб ўтди

Дунёда шундай бир неъмат борки, бу қалбимиздаги орзу-армонларимизни, кўнглимиздаги шоду хуррамлигимизни изҳор қила олиш бахтидир.

Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган фольклор-этнографик жамоалари вилоят кўрик-фестивалининг якуний босқичида янграган, халқимиз урф-одатлари, удумларини тараннум этувчи куй ва қўшиқларни тинглаб, саҳна кўринишларини кўриб, кўнглимиздан ана шундай фикрлар кечди. Ушбу тадбирнинг яна бир ўзига хослиги — унинг оммавийлигидадир. Таъбир жоиз бўлса, етти ёшдан етмиш ёшгача ижрочилар қатнашган кўрикда энг эзгу туйғу — Ватанга муҳаббат туйғуси жилоланиб турди, десак янглишмаган бўламиз.

Ҳар йили мунтазам ўтказиб келинаётган бу кўрик-танловда янгидан-янги фольклор жамоалари кашф этилмоқда. Вилоятимизда 110 миллат вакиллари аҳил-иноқ, ҳамжиҳатликда яшамоқдалар. Уларнинг ҳаммаси Ўзбекистонни она юртим деб, улуғлайди. Бўстонлиқ туманининг «Гулёр», Юқоричирчиқ туманининг «Муножот», Янгийўл шаҳрининг «Заррин япроқлар», Ангрен шаҳрининг «Сударушки» фольклор жамоалари кўпчилик санъат шинавандалари тилига тушган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Оққўрғон тумани маданият уйининг «Тўрғай», Оҳангарон тумани «Чашма» фольклор-этнографик дасталарининг чиқишлари санъат шинавандаларига ғоятда манзур бўлди. Турли миллат вакилларини бирлаштирган яхши анъаналар, янги удум ва урф-одатларни тарғиб қилаётган фольклор-этнографик дасталари орасида Юқоричирчиқдан «Муножот», Чирчиқ шаҳридан «Мурагерлар», Ангрендан «Сударушки» дасталарининг чиқишлари ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Ҳакамлар ҳайъати бу сафарги кўрик-фестивалга тақдим этилган дастурларни атрофлича муҳокама қилиб, ўзларининг ҳолис баҳоларини бердилар. Оққўрон туманидаги «Тўрғай» фольклор-этнографик жамоасининг «Бўта солай» удуми дастури ғолиб деб топилди. Энди ушбу жамоа кўрик-танловнинг республика якуний босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилади. Шунингдек, чирчиқлик «Мурагерлар», оҳангаронлик «Чашма» фольклор-этнографик дасталари иккинчи ўринга, Қуйичирчиқнинг «Наврўз», Паркентнинг «Бойқозон», Ангрендан «Сударушки» фольклор-этнографик дасталари учинчи ўринга муносиб деб топилдилар.

Кўрик-фестивал ҳайъати раиси, Тошкент Давлат маданият институти халқ ижодиёти кафедраси мудири, профессор Саодат Йўлдошева таъкидлаганидек, йилдан-йилга фольклор-этнографик дасталарининг нуфузи ортиб, улар ижро этадиган дастурлари оммалашиб бормоқда. Айни пайтда мана шундай ижодий гуруҳлар сафида кўплаб ёшларимизнинг иштирок этаётганлиги ҳаммамизни қувонтиради.

Ватан юрагимизда унган гулимиздир. Бу гулнинг мадҳи бир умрга татигуликдир. Чунки, инсон бор экан, унинг тилида, дилида Ватан туйғуси устувор бўлиб яшайди. Фольклор-этнографик жамоаларининг вилоят кўрик-фестивали ғолибларини қутлар эканмиз, келгусида яратилажак янгидан-янги дастурлардан умидвор бўлиб қоламиз.







**Шавкат ТУРОБ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

***СУРАТЛАРДА:*** *тадбирдан лавҳалар.*

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**


# ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

## «RESPUBLIKA KO`CHMAS MULK BIRJASI TOSHKENT VILOYATI BO`LIMI» МЧЖ

**Сизларни 2005 йил 10 май куни соат 12.00 да «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati bo'limi» МЧЖ савдолар залида ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.**

**Савдога қуйидагилар қўйилади:**

**1.** Оҳангарон шаҳар ҳокимияти томонидан мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш мақсадида якка тартибда уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган Оҳангарон шаҳар С. Раҳманов кўчасида жойлашган, сатҳи 0,05 гектар ер майдони.

**Бошланғич баҳоси — 77 000 сўм.**

**2.** Олмалиқ шаҳар ҳокимияти томонидан мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш мақсадида якка тартибда уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган қуйидаги ер майдонлари:

— Олмалиқ шаҳар Бўстон маҳалласи, 1-ноҳия, 1-даҳасида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,03 гектардан бўлган 6 та ер майдони.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 27 300 сўм.**

— Олмалиқ шаҳар Бўстон маҳалласи, 1-ноҳия, 3-даҳасида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,03 гектардан бўлган 6 та ер майдони.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси— 27 300 сўм.**

— Олмалиқ шаҳар Бўстон маҳалласи, 1-ноҳия, 4-даҳасида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,03 гектардан бўлган 2 та ер майдони.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 27 300 сўм.**

— Олмалиқ шаҳар Бўстон маҳалласи, 2-ноҳия, 1-даҳасида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,03 гектардан бўлган 2 та ер майдони.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 27 300 сўм.**

— Олмалиқ шаҳар Бўстон маҳалласи, 2-ноҳия, 3-даҳасида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,03 гектардан бўлган 2 та ер майдони.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 27 300 сўм.**

— Олмалиқ шаҳар, А. Навоий кўчасида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектардан бўлган 4 та ер майдони.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 67 760 сўм.**

— Олмалиқ шаҳар, Китве 1-тор кўчасида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектардан бўлган 8 та ер майдони.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 51 520 сўм.**

**3.** Қибрай тумани давлат солиқ инспекциясига қарашли, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21053» русумли, давлат рақами 11 AD 232 бўлган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 958 500 сўм.**

**4.** Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасига қарашли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли, давлат рақами 09-09 ТНС бўлган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 500 000 сўм.**

**5.** Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасига қарашли, 1995 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ-31029» русумли, давлат рақами 10 AQ 655 бўлган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 900 000 сўм.**

**6.** Тошкент тумани давлат солиқ инспекциясига қарашли, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, «Доган» русумли, давлат рақами 11 AK 755 бўлган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 1 782 600 сўм.**

Ушбу ер майдонлари савдосида қатнашиш учун ариза қабул қилиш аукцион савдоси кунидан 3 кун олдин ва автотранспорт воситаси савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун 10 фоизлик закалат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Ушбу сотувга қўйилган мулклар сотилмаган тақдирда 2005 йил 17, 24, 31 май, 7, 14, 21, 28 июнь ва 5, 12, 19, 26 июль кунлари соат 12.00 да ўтазиладиган аукцион савдосига ўтказилади.

**Бизнинг манзил:** Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. 5-қават, 52-хона. **Телефон:** 133-28-52, факс: 133-77-18.

**Сизларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан хусусийлаштириш дастурига киритилган давлат корхоналари, объектлари ва улушлари бўйича ўтказиладиган ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг бўлимларида ўтказиладиган марказлаштирилган биржа савдоларига таклиф этади!**

**Савдоларга қуйидаги объектлар ҳам қўйилди:**

**1.** «Аммофос» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли «Ёрдамчи хўжалик» таркибига кирувчи, Олмалиқ «Аммофос» очиқ акциядорлик жамияти ҳудудида жойлашган «Иссиқхона» объекти.

**Бошланғич баҳоси — 62892,5 АҚШ доллари** (ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича сўмда тўланади).

**2.** «Аммофос» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли «Ёрдамчи хўжалик» таркибига кирувчи, Пскент туманида жойлашган «Паррандачилик фермаси» объекти.

**Бошланғич баҳоси — 70501,7 АҚШ доллари** (ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича сўмда тўланади).

**Имкониятингизни бой берманг!**

Қўшимча маълумотлар учун Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси ва «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati bo'limi» МЧЖга мурожаат қилишингиз мумкин.

**Бизнинг манзил:** Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. **Мурожаат учун телефон:** Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси 132-06-76, **факс:** 133-67-22, **РКМБ Тошкент вилояти бўлими:** 133-28-52, 133-49-31, **факс:** 133-77-18.

# ГАЗЕТА ВА ГАЗЕТХОН



## НИЯТЛАРИ БОШҚА ЭКАН



***Қизимга совчилар келди. Куёв бўлмиш йигит билан учрашувдан қизим хомуш қайтди. Ҳе йўқ, бе йўқ: «Олиб қўйган мебелингиз бўлмайди. Чет элникидан қиласизлар», деб қолди. Нима гаплигини сўрадим. Айтишича, бўлажак куёвимизнинг оиласи яқинда янги уйга кўчиб ўтишганмиш. Уй жиҳозлари ҳам фақат чет элники бўлармиш.***

Қизимнинг кўнгли учун қарз ҳавола қилиб хориж мебелидан олдик. Молёяр куни қуда бўлмишникига мебелларни олиб борганимизда, уй аллақачон жиҳозланган эди. Нега бундай қилганликларини сўраганимда, аёл қуда ўғлига ният қилиб, мебель олганини, бизлар олиб келган мебелларимизни ҳозирча ишлатмасликларини айтди.

Қудамнинг шунақа нияти бор экан, нима учун илгарироқ айтмади? Биз ҳам бировдан катта микдорда қарз бўлмасдик.

**Робия ҲАЛИМОВА,**
**ўқитувчи.**

***Ҳар галгидек ишдан қайтаётиб, бекатда автобус кутиб тургандим. Ёнимга ёши 65 ларда бўлган онахон келди-да: «Қаймоқ олинг, жон қизим, охиргиси қолди, жуда яхши, ўзим тайёрлаганман», деди. Қаймоқ олиш ниятим бўлмаса-да, мақтовга учиб, уни сотиб олдим.***

## БЕКАТДАГИ ФИРИБГАР

Уйга келиб еб кўрсам, онахоннинг қаймоғи нордон қатиқ бўлиб чиқди. Халқда гап бор: «Ўтники ўтга, сувники сувга». Кимнидир норози қилиб,.фарзандларига нон едираётган бундай кимсаларга топгани юқармикан? Қолаверса, оқлик ҳисобланган сутни алдов-қалдовларга аралаштиришнинг оқибати қандай бўларкин?

**Раъно АЪЗАМОВА,**
**Зангиота тумани.**

***Кейинги пайтларда кўча-кўйда, автобусларда ёш йигитларнинг ўзаро уят сўзлар билан сўкиниб гапиришларини кўп эшитяпмиз. «Замонавий» тилда отасини «пахан» онасини «мамашка» дейиш ҳам урф бўлди. Гўёки «ада» ёки «ойи» дейишдан ор қилаётгандек. Бундай сўзларга биз, катталар ўрганиб кетибмиз шекилли, танбеҳ бермай бепарво ўтамиз.***

## СЎКИБ ГАПЛАШИШ ШАРТМИ?



Бу-ку майли, мени бошқа нарса ажаблантиради. Яқинда иш билан бир жойга борган эдим. Кап-катта бўлим бошлиғининг сўкиб гапираётганини эшитиб, кўчадаги ёш йигитлардан хафа бўлмасам ҳам бўлар экан, деган хулосага келдим. Телефонда ким биландир шу тарзда гаплаша туриб, менга «ўтириб туринг» дегандек имо қилди. Унинг суҳбатини хоҳламасамда тинглашга мажбур эдим. У кишининг эса парвойи палак, суҳбатдоши билан жуда қўпол оҳангда, очиқдан-очиқ, уят сўзлар билан сўкиб гаплашарди. Ўзимни ноқулай сезиб, ташқарига чиқиб кетдим. Хонага кириб ундан ходимингиз нима айб иш қилиб қўйибди десам, «Йўғ-эй, ҳамма иш жойида, ака. Сўкиб гапирмасам тушунмайди булар. Ўзим ҳам ўрганиб қолганман, нимасига ҳайрон бўласиз, ахир ҳозир ҳамма шу зайлда гаплашади-ку», деб кулди. Наҳотки, замонавий муомала маданиятининг янги кўриниши бўлса бу?

**Мурод ЗИЯЕВ,**
**муҳандис.**

## «БЕТИМНИНГ ҚАЛИНИ»

***Эрталаб ўқишга кетаётсам бир аёл ёнимга келиб: «Қизим, илтимос, пулимни тушириб қўйдим, 100 сўм бериб тур уйимга етиб олай» деди. Раҳмим келиб: «Мана хола, уйингизга етиб олинг», деб 200 сўм бердим.***

Ўқишим тугаб, уйга қайтаётгандим. Бир пайт қарасам эрталаб мендан пул олган аёл бир боладан: «Ўғлим пулимни тушириб қўйибман, озгина пул бериб тур уйимга етиб олай», деб турибди. Олдига бордимда: «Ҳа, хола, ҳали ҳам уйингизга етолмаяпсизми?», дедим. Аёл мени таниб, нима дейишни билолмай, тез юрганча нари кетди. Ҳалиги йигит: «Бунақаларга ишонманг, бу хотинни мен кўп кўраман», деди. Ҳайрон бўлиб қолдим. Тўрт мучаси соғ бу аёлнинг кўча-кўйда одамларни алдаб пул сўраб юришга нима мажбур қилди экан?

**Санобар ОДИЛОВА,**
**талаба.**

## ФОЛ ҚИММАТГА ТУШДИ

***Қўшнимнинг хотини тилла тақинчоқларга беланиб юрарди. «Тиллангизга эҳтиёт бўлинг, ишдан кеч қайтасиз, кўчаларда ҳар хил одам бор», деб огоҳлантирардик. Эшитишни ҳам истамай, бурнини жийирарди.***



Бир куни кечки пайт эр-хотин роса жанжаллашишди. Шунча йил ёнма-ён яшаб, бирон марта бу уйдан ғалва чиққанини эшитмагандик. Анча вақтгача эр-хотиннинг уруши тинмади. Эртаси куни тинчликмикан, деб уйларига чиқдим. Кўзлари йиғидан қизариб кетган қўшним бир аҳволда ўтирарди. «Нима қилай, келинойи, ҳамма тиллаларимни ўз қўлим билан бериб юборибман, — хўрлиги келиб гап бошлади у. — Манови никоҳ узугимни кеча ҳаммомга ечиб қўювдим, фақат шугина қолибди, адойи тамом бўлдим».

Маълум бўлишича, эрталаб уйига бегона бир аёл келиб, фол очиб қўяман дебди. Соддагина қўшнимни авраб ҳамма тиллаларини олиб кетибди. Турмуш ўртоғи эса: «Қаердан бўлса ҳам ҳамма тақинчоқларингни кечгача топасан», деганмиш. Энди у нима ҳам қила оларди. Ахир, айтадилар-ку, «Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма», деб.

**Ҳ. ҚУРБОНОВА,**
**Бекобод шаҳри.**

## КАСАЛИНИ ЯШИРСАНГ ...

***«Тошкент ҳақиқати» газетасида бериб бориладиган «Газета ва газетхон» рукнини доимо ўқиб бораман. Яқинда «Тўйлар ҳақида ўйлар» рукни остидаги Донохон Жумабоеванинг «Эътиборсизликнинг оқибати хунук» сарлавҳали мулоҳазали мактубини ўқидим. Унда айтилганидек, бўлажак келин-куёвлар тиббий кўрикдан ўтишлари шарт. Акс ҳолда бир умр афсус қилиб юришлари мумкин.***

Бундан икки йил аввал бир йигит билан танишиб қолдим. Дўстлигимиз муҳаббатга айланди. Орадан вақт ўтгани сари ундаги ғалати ҳолатларни сеза бошладим. Кўпинча, кўзи қизариб келар, сабабини сўрасам, «ухлай олмадим», дерди. Баъзан эса ўзидан-ўзи асабийлашиб кетарди.

Бир кун қаҳвахонада ўтирганимизда у ўзини билмай қолди. Йигит яшайдиган туман поликлиникасига бориб, суриштирдим. Маълум бўлишича, 15 ёшидан буён тутқаноқ касали бор экан. Ўзим ҳамшира бўлганим учун бу касаллик наслдан-наслга ўтишини жуда яхши билардим. Бошқа учрашмадик.

Турмуш қураётган ёшларга маслаҳатим шуки, севган кишингизни обдон суриштиринг. Бу масалада бепарво бўлманг, акс ҳолда бир умр надоматда ўтишингиз мумкин.

**Н. МАМАДАЛИЕВА,**
**Паркент тумани.**







Абдурасул ҲАКИМОВ чизган.

*— Вой бў-ў, бу кўча тўсилиб қолибди-ку, ким тўй қилаяпти,. ўғлим?*

*— «Даҳшат» фирмасининг хўжайини янги туғилган невараси шарафига ош бераяпти.*

**Саҳифани Сурайё ХЎЖАЕВА тайёрлади.**

• Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport

«Осиё чемпионлар лигаси — 2005»

# «НЕФТЧИ» ПЕШҚАДАМНИ МАҒЛУБ ЭТДИ

**Осиё чемпионлар лигаси мусобақаларида иштирок этаётган «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари навбатдаги учинчи тур учрашувларини ўтказди.**

«Д» гуруҳида баҳслашаётган мамлакат чемпиони «Пахтакор» сафарда Саудия Арабистони вакили «Ал-ахли» билан баҳс юритди. Танаффусгача дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди. «Пахтакор»чилар майдонга Бахтиёр Ашурматов, Сервер Жепаров, Гочкули Гочкулиев ва Александр Гейнрихларсиз тушдилар. Шундай бўлишига қарамай, учрашувнинг биринчи бўлимида «Пахтакор»чилар майдон эгалари билан тенг кураш олиб бордилар. Иккинчи бўлимнинг 5-дақиқасидагина майдон эгалари ҳисобни очишга эришдилар. 84-дақиқада улар ҳисобни 2:0 га, сўнгги дақиқада бош ҳакам томонидан белгиланган 11 метрлик жарима тўпидан сўнг эса 3:0 га етказдилар. «Пахтакор» уч учрашувдан бор-йўғи 3 очко тўплади.



«С» гуруҳида иштирок этаётган «Нефтчи» жамоаси эса ўз майдонида Қатарнинг «Ал-Саад» жамоасини қабул қилди. «Нефтчи» бош мураббийи Юрий Саркисянц беш ярим ҳимоячини асосий таркибда майдонга туширди. Фарғоналиклар учрашувнинг дастлабки дақиқаларидан майдон марказини ўз қўлларига олдилар ва рақиблар дарвозасига хавф сола бошладилар. Лекин, меҳмонлар дарвозабони Аҳмад Муҳаммад бир неча бор ўз дарвозасини голдан қутқариб қолди.

Иккинчи бўлимда фарғоналиклар ҳужумни янада кучайтирдилар. 25-дақиқада Анвар Бердиев ҳисобни очишга эришди. Иккинчи бўлимда Нодир Қўзибоев ўрнига майдонга тушган Носир Отақўзиев учрашувнинг сўнгги дақиқаларида меҳмонлар дарвозасини ишғол қилиб, ҳисобни 2:0 га етказди. «Нефтчи» очколар ҳисобини 6 тага етказиб олди. Гуруҳда пешқадамлик қилаётган «Ал-Саад» жамоаси билан бир хил очко тўплаган ҳолда биринчи даврада тўплар нисбатига биноан иккинчи ўринни банд этди.

Иккинчи давра ўйинлари 19 апрелда бошланади. Фарғоналик футболчилар шу куни гуруҳ пешқадами «Ал-Саад» жамоаси билан сафарда баҳслашадилар.

**Талъат ЮСУПОВ.**

# ҚУРИЛИШ НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА

**Касб-ҳунар коллежлари ва лицей талабалари ўртасида ўтказиладиган бу йилги «Баркамол авлод» мусобақалари туфайли спортга қизиқиш ва эътибор янада кучайган «Сиҳат-саломатлик йили»га тўғри келганлиги ва унга вилоятимизнинг мезбонлик қилиши вакилларимизга катта масъулият юклаши ҳамда ғолиблик учун курашлар шиддатли кечиши тайиндир.**

Айни пайтда беллашувлар бўлиб ўтадиган спорт иншоотларидаги қурилиш ишлари якуний босқичга кирган.

— Мусобақанинг асосий қисми бўлиб ўтадиган Чирчиқ Олимпия захиралари коллежида узунлиги 110, эни 48 метрли ёпиқ спорт манежининг қурилиш ишлари 85 фоизга бажарилган. Ушбу иншоот республикамизда ягона ҳисобланиб, жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб беради, — дейди ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг спорт бўйича масъул ходими Саъдулла Қурбонов. — «Баркамол авлод — 2005» мусобақаларининг очилиш ва ёпилиш маросимлари бўлиб ўтадиган марказий ўйингоҳ қурилиши ҳам ниҳоясига етказилмоқда. 13250 томошабинни ўз бағрига сиғдира оладиган мазкур стадионда мусобақа машъаласи ёқилади. Шунингдек, коллежда ёпиқ ва иккита очиқ сув ҳавзалари қурилиши ҳам якунланиш арафасида.




«Баркамол авлод — 2005» ўйинлари нафақат Чирчиқ шаҳрида, балки вилоятимизнинг Қибрай, Янгийўл ва Паркент каби сўлим гўшаларида ҳам ўтказилади. Мусобақаларнинг бир нечта туманларда уюштирилиши жойлардаги кенг жамоатчиликни қизиқарли беллашувлар гувоҳига айлантирибгина қолмай, спортнинг янада оммалашувига хизмат қилади.

**Шуҳрат ШЕРЗОДОВ.**

# МАЙДОНДА ФАҚАТ АЁЛЛАР

**Паркент туманида хотин-қизлар спартакиадасининг 2-босқич мусобақалари бўлиб ўтди. Иштирокчилар спортнинг волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат-шашка ва енгил атлетика турлари бўйича куч синашдилар.**



Волейбол, баскетбол, шахмат мусобақаларида Қўличи маҳалласи аёллари ғолиблик қилишди. Стол тенниси, шашка бўйича Наврўз маҳалласи хотин-қизлари устунликка эришдилар. Енгил атлетика ва бошқа спорт турлари бўйича баҳсларда Булоқбоши ҳамда Бўрсилиқ маҳаллалари вакиллари ғалаба қозонишди.

Шунингдек, кеча «Бойқозон» ширкат хўжалиги спорт мажмуасида тумандаги корхона ва ташкилотларда ишлаётган хотин-қизлар ўртасида ҳам спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

**Камол ҒАЙРАТОВ.**

• Турмуш чорраҳаларида

# МЕҲР БУЛОҒИ

Меҳр-мурувват инсон ҳаётини безайди, ёруғ, саодатли кунлар сари етаклайди. Борди-ю, шундай саховат хасталикдан азият чекаётган беморга кўрсатилса, дард ўз-ўзидан чекинади.

Садоқатнинг қисматига ёзилгани шу экан — қарийб йигирма йилдан буён тўшакка михланган. Қизиғи шундаки, бирор йўсинда бўлсин тақдиридан нолимади. Вужудини тобора кемириб бораётган дард билан якка ўзи олишади. Кўз ёш тўкиб, бировга дардини айтмайди. Соғ-омон кезларида айтарли мол-дунёга қизиқмаган. Олий ўқув юртини тугаллагач, идорада камсуқум ходима бўлиб оз фурсат фаолият кўрсатган, холос. Орттиргани эса фарзандлари. Суянчиғи, юпанчи ҳам шулар. Улар гоҳо ишдан ортмай қолишса, Садоқат китобга суянади. Уззукун китоб мутолаа қилади. Бу тириклик дунёсида не азобларга гирифтор бўлиб ҳам тушкунликка тушмаган, ҳаётда ўз ўрнини топиш учун интилган, китобдаги қаҳрамонларга рўбарў келганида эса, дарди бироз чекингандек бўлади. Ўзини бардам тутиб, фарзандларига, жондек азиз набираларига сабрдан, садоқатдан, боқий меҳр-мурувватдан сўзлайди.

... Иттифоқо, бир куни Садоқат ётган хонага нур ёғилгандек бўлди. Маҳалла этагидаги қўшниси Малоҳатхон янги туширган келинининг бошига оқ ҳарир рўмол ташлаб, етаклаб келди.

— Опоқиси, келин қизимнинг покиза саломини қабул қилиб, уни дуо қилинг. Келин туширсам, Садоқат опамга салом қилдираман, деб ният қилган эдим, — деди ҳаяжондан энтикиб Малоҳатхон. — Не бахтки бугун шу ниятимга етишдим...



Бутун бўй-бастидан ҳаё-ибо уфуриб турган навниҳол келинчак уч бор эгилиб салом қилгач, оппоқ тўшакда ётган Садоқат билан ўз онасидек кўришди. Сўнг оҳиста орқага юриб, пойгакдан ўрин олди.

Титраган қўллар дуога очилди. Илк турмуш остонасида турган келинчакка эзгу ниятлар айтилди. Кўзлардан маржон-маржон ёшлар оқди. Бу ёшлар бамисоли битмас-туганмас меҳр-оқибатнинг қайнар булоқлари бўлиб тошарди.

Малоҳатхон кўз ёшларини арта туриб, келинига юзланди:

— Болам, биз турмушда зарур бўлган сабр-тоқатни шу опамиздан ўрганганмиз. Шу сабабли тавоф қиламиз. Эгачим сочларини оқартириб ўтирсалар-да, хонадонлари кўнгилларидай ораста, рўзғорлари бут, ҳамма фарзандларини оқилу фозил қилиб тарбиялаганлар. Бири тадбиркор, бири муаллима, ўзгаси шифокор, кенжалари чорвадор. Келинларини айтинг, бирам шакаргуфторки... Оилани ҳамиша саришта тутишади, йўғига қаноат қилишади, борини кўни-қўшни, маҳалла-кўй билан баҳам кўришади. Бу даргоҳдан қўни-қўшниларнинг қадами узилмайди. Биров бир чимдим хушхабар элтади, яна биров бир ликопча тансиқ таом илинади. Шу баҳона дийдорлашадилар. Меҳр кўзда, деб бекорга айтишмаган-да.

Шу аснода Садоқатнинг келини дастурхон тузатиб улгурган, келинларга хос назокат билан аввал Малоҳатхонга, сўнгра оҳудек сергак турган келинчакка чой узатаркан, самимият билан қувончини ошкор этди:

— Хонадонимизга хуш келибсизлар. Ташрифингиздан бошимиз осмонга етди. Олинглар, еб-ичиб ўтиринглар.

Садоқат фавқулодда ҳолатда дарддан бутунлай халос бўлгандек, ўзини енгил ҳис этди. Молу дунё, дуру жавоҳирлар тиламаган беозор кўнгли нурафшон бўлиб кетган эди. Нимжон қўллари билан келинчакнинг елкасига оқлик ташлар экан, устидан ширинликлар сочиб, дуо қилди:

— Илоё, ҳаётингиз оппоқ нурга тўлсин. Турмушингиз асалдек ширин бўлсин. Ўғлим билан қўша қаринг. Турмуш деган пойи остонадан ҳамиша дилингизга покликни, сабр-қаноатни, атрофдагиларга бир чимдим бўлса-да, мурувватни жойлаб, хатланг. Ана шунда толеингиз баланд, жуфти ҳалолингиз билан тотувликда яшасаниз, топганингиз — фарзандларингиз чинакам дилбандларингизга айланади. Омин...

Меҳмонлардан хонада бокира бир уфори ис қолди. Келинчак илинган бир патнис ширинликларни эса Садоқатнинг набиралари бошлаб кирган маҳалланинг шўх-шодон болакайлари аллақачон чўнтакларига жойлаб улгуришган эди...

**Собиржон ИНОМОВ.**

• Қилмиш-қидирмиш

# ЧАККИ ЮРГАН ДАККИ ЕРКАН

***2004 йил октябрь ойларида онаси Д. Абдуллани сигирига ўт ўриб келиш учун далага юборди.***

Кўча чангитиб юришга ўрганиб қолган Д. Абдулла бу ишни ўзига эп кўрмай, Ўртачирчиқ туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги пудратчиси А. Холматнинг пахта даласидан ғўзанинг энди етилиб келаётган кўсакларини молга бериш учун тера бошлади. Ўн килограммча кўсак териб, уйга кетай деб турганда А. Холмат келиб қолди. У танбеҳ бермоқчи бўлганда, Д. Абдулла уни ҳақорат қилиб, кўсакларни уйига олиб кетди.

А. Холмат бу иш юзасидан ички ишлар бўлимига мурожаат қилди. Д. Абдулланинг уйи текширилганда ҳақиқатан ҳам 10 килограмм кўсакни нобуд қилиб, хўжаликка 231.000 сўм моддий зарар етказганлиги аниқланди. Шунингдек, унинг уйини текшириш пайтида молхонасидан 365,5 грамм гиёҳванд модда ҳам топилди. Д. Абдулла бу гиёҳванд моддани даладан олиб келиб, қуритиб, яшириб қўйганлигини бўйнига олди ва қонун бўйича жазоланди.

**Алишер ЎТАМУРОДОВ,**
**вилоят Ички ишлар бошқармаси матбуот хизмати инспектори.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар: 133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-344. Адади 5844. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5 6